

Сийрат дарслари (27-дарс)



СИЙРАТ

дарслари 27-дарс

ISLOM.UZ

Сийрат дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Бу – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» таржима китоблари ва “Ҳадис ва ҳаёт”нинг 19-жузъи асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

13:00 / 06.04.2019 4992

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг душманларига ва мухолифларига муомалалари

(давоми)

167. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, бошингизга Уҳуд кунидан ҳам қаттиқроқ кун тушганми?» деди. Шунда у зот айтдилар: **«Қавмингдан ҳар нарсага дучор бўлганман. Улардан кўрганларимнинг энг қаттиғи Ақаба кун** бўлган. Ўшанда ҳолимни Ибн Абду Ялийл ибн Абду Куломга арз қилдим. У мен ирода қилган нарсага ижобат қилмади. Шунда ғамга тўлиб, бошим оққан тарафга юриб кетдим. Қарнис-Саъолиб деган жойда ҳушимга келдим. Бошимни кўтардим. Қарасам, бир булут бошимда соя солиб турибди. Назар солсам, унда Жаброил бор экан. Шунда у: «Албатта, Аллоҳ азза ва жалла қавминг сенга айтган гапни ва сенга қайтарган раддияни эшитди. У сенга тоғлар фариштасини юборди. Улар ҳақида нима истасанг, амр қилишинг учун», деди. Шунда тоғлар фариштаси менга нидо қилиб, салом берди ва: «Эй Муҳаммад! «Албатта, Аллоҳ қавминг сенга айтган гапни эшитди. Мен тоғларнинг фариштасиман. Роббинг нимани истасанг, шуни амр қилишинг учун мени сенга юборди. Агар истасанг, икки тоғни уларнинг устига ағдараман», деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Йўқ! Аллоҳ уларнинг сулбидан Аллоҳнинг**

ёлғиз Ўзига ибодат қиладиган, У зотга ҳеч нарсани ширк келтирмайдиганларни чиқаришини умид қиламан», дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан